

Даромад фақат рағбатлантирилади

Маълумки, шу пайтга қадар юртимизда корхоналар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлардан каттагина миқдорда фойда солиғи тўлаб келишарди. Келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб улар амалдаги ставкадан 20 фоиз қайтарилади. Бу эса болалар товуқларининг янада ранг-баранг бўлишига ва таннарининг кескин пасайишига хизмат қилади.

қаришни кенгайтириш мақсадида сотиб олинган технологиялар учун йиллик миқдорда мулк солиғи тўлашга мажбур эди. Бу эътиборлиси, янги қарор туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар олдидан турган қатор муаммолар ҳам бартараф этилади. Хусусан, улар аҳоли, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларидан сут, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-савбазоват ва полиз маҳсулотларини нақд пулга сотиб олиш имкониятига эга бўлишарди. Бу, албатта, бундай маҳсулотлар туркуми четта чиқиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шуни очик айтиш кераки, илгари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланган субъектларнинг аксарияти идожи борича тайёрланган маҳсулотлар миқдори ва ундан олинган фойдани камроқ кўраётган ҳаракат қиларди. Чунки корхона қанча кўп даромад кўрса, шунча кўп солиқ тўлашга мажбур эди. Янги қарор талабларни мувофиқ уларнинг даромадлари яширишларига эҳтиж қолмайди. Негаки, даромад топувчилар фақат рағбатлантирилади, солиқ турларидан озод қилинади. Масалан, микрофирма ва кичик корхоналар ишлаб чиқаришдан олинган тушумдан ягона солиқни амалдаги ставкадан 25 фоизга қайтарилади. Агар улар истеъмол товарларини қанчалик кўп ишлаб чиқарсалар, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинади. Ноозик-овқат истеъмол товарлари (тамаки маҳсулотлари ва зарғарлик буюмларидан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар эса бўш маблағларини маҳсулотларини кўпайтиришга, уларнинг турлари ва рақобатбардорлигини оширишга йўналтирсалар, акция солиғини тўламайдилар.

Аваллари, шунингдек, четдан келтирилган импорт хомашлар, қўшимча қиймат солиғи (КҚС) ва божхона тўловлари тўланмас, мамлакат

қаришни кенгайтириш мақсадида сотиб олинган технологиялар учун йиллик миқдорда мулк солиғи тўлашга мажбур эди. Бу эътиборлиси, янги қарор туфайли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчилар олдидан турган қатор муаммолар ҳам бартараф этилади. Хусусан, улар аҳоли, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларидан сут, жун, қорамол ва майда моллар териси, мева-савбазоват ва полиз маҳсулотларини нақд пулга сотиб олиш имкониятига эга бўлишарди. Бу, албатта, бундай маҳсулотлар туркуми четта чиқиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ҳушхабарлар

Федерация иш бошлади

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилди. Бу федерация ички бозорларимизда сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган товарлар сотилишининг олдини олиш, корхоналарда рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлида хизмат қилади.

Уюшманинг истиқболу

"Ўзбекчармпойбазли" уюшмаси корхоналари ва савдо ташкилотлари ўртасида келгуси йил учун ички бозорга 21 миллиард 159 миллион сўмлик буюмлар, шу жумладан, чарм-атторлик, галантерия маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан ҳам шартномалар имзоланди. Бундан ташқари, уюшма тизимида янги йилдан бошлаб, 500 дан ортиқ турдаги янги модел намуналарини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Сиз ички ишлар ва божхона тизими ходимлари, ҳарбийларнинг энгидидаги хизмат кийимларини кузатгансизми? Кузатган бўлсангиз, албатта, ҳавасингиз келган. Лекин ана шу чоклари пишиқ, охори тўқилмаган, бежирим кўйлак ва шим-костюмлар кимларнинг қўлидан чиққанлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганингиз аниқ. Уларни давлат буюртмаси асосида Намангандаги "Муштарий" ҳиссадорлик жамияти тикувчилари ишлаб чиқаришган. Бу жамоа ахли, бир неча йилдирки, мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётган тендерларда голиб чиқиб, шундай ҳуқуққа сазовор бўлмоқда.

«Муштарий» харидорлари бисёр

Бугунги кунда бозорнинг талаби қаттиқ, маҳсулотимиз рақобатдаш бера, хўп-хўп, акс ҳолда, оғир учун ишлаб, бошимиз зарардан қимай юрарми, — дейди жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Алижон Отабоев. — Мана бу кўйлақлар қаранг: бири Корейда, бошқаси Туркияда тикилган, учинчиси — бизнинг маҳсулот. Энди айтинг-чи, уларнинг фарқи борми? Йўқ. Сабаби — ҳаммиса харидор талаби ва дидини ҳисобга олиб, импорт ўрнини босадиган кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ҳаракат қиларми.

Харидор нақдлиги, биласиз, масаланинг бир жиҳати, холос. Унинг бошқа жиҳати, яъни шартноманинг ундашдан чиқиб ҳазифаси ҳам борки, бу борада салгина чексини иқтисодий муносабатлар давомийлигига раҳна солиши, пировардида миқдори йўқлиги кўйиб ҳеч гап эмас. Корхонамизда 264 киши ишлайди. Ҳар бирининг оғида ана шу фикр шаклланди. Шу боис, аввало, маҳсулотлар сифатини қарантир бўй берди. Чеварларимизнинг кўз нури синган кийимлар эса нозиктаб ва синчков буюртмачиларга маъқул тушаётди. Шартномалар ижроси туфайли жамиятда бултур 275 миллион 941 минг сўмлик маҳсулот миқдорига етказиб берилган эди. Жорий йилнинг у бир ойи ичида эса салкам 400 миллион сўмлик буюртма бажарилиди.

— Бу йил буюртмачиларимиз қаторига вилот тиббиётчилари ҳам қўшилишди, — сўзига давом этади Алижон Отабоев. — Биз уларга катта миқдорда кўйлак, шим ва халатлар тикиб бердик. Натигада бугунга қадар 4,5 миллион

сўмдан зиёд соф фойдани қўлга киритдик.

— Ҳозирда биз етти турдаги эркаклар кўйлаги, беш турдаги болалар кўйлагини тикаяптимиз, — ҳикоя қилади технология раисининг ўринбосари Бултурова. — Айниқса, тўқ қизил ва қора рангдаги эркаклар кўйлаги харидорларга манзур бўлмоқда. Уларга галстук гўё узук қўзидек ярашади. Тўғри, матоси — хорижийки. Тез орада хомаш ҳам ўзимиздан чиқди. "Намангантўқимачи"га ёрқин бўёқли газламалар учун буюртма берганмиз.

Кўриниб турibdiki, наманганлик чеварларнинг диққат-эътибори ишлаб чиқаришни ривожлантириш борабдида истеъмол бозорига ўзига хўр ўрнини эгаллашга қаратилган. Бундан уларга Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори аниқ раҳна бўлмоқда. Ҳиссадорлик жамияти ҳисобчиларининг хомчўтларига қараганда, кенг истеъмол моллари тайёрлашни кўпайтиришга учун берилган имтиёзларнинг самараси катта. Мисол учун биргина болалар кийимлари ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. Бундан олинган даромадлардан даромад солиғи энди 24 фоиз ставка бўйича тўланади. Бушайланган маблағлар эса технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, истеъмол товарлари асортиментини кенгайтириш ва рақобатбардорлигини оширишга йўналтирилди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Буюртмачи талаби — жамоа талаби



Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Агама» кўшма корхонаси маҳсулотлари халқимизга яхши таниш. Айни кунларда Тошкентда ҳам мазкур корхонанинг филиали фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда асосан истеъмол товарлари — трикотаж буюмлар ишлаб чиқарилаётди. Меҳнат ахли «Мижоз талаби» жиори остида иш юритиб, яхши натижаларга эришмоқда.

Қарордан сўнг

Йил бўлсин, қўшни, бозоргами дейман? — Биласиз, ўғилнинг бошини иккита қилмоқчи эдик. Куёв болага костюм-шим, укаларга иссиқ оёқ кийим керак, дегандек... — Бизам бозордан ўғил билан қизалоққа оёқ кийимини сотиб олгандик. Оёғига ийиб-иймай, тагчарми кўчиб тушди, — дея жиғибирони чиқди Абдувалининг. — Устага обориб елимиздан денг. Аммо эртаси кунни қарасам, ярқираб турган туфлининг устки чарни тарс-тарс ёрибди кетибди. Ермаган сомага пул тўлаганимиз қолди, биродар.

— Э, нимасини айтасиз,— энди Олимжоннинг ҳам ҳасратидан чанг чиқди, — кечатгина неварамга мактаб сумкаси харид қилгандик. Ун кунга ҳам етмади.

— Ана, кўрдингизми, сифатсиз матоҳлар ҳаммамизни чун туширяпти. Сиз, ахшиси, куёв болани ёнга олиб, Валижон махсичининг невараси Сайдуллога учраг. Костюминг ўша чеварга тиктирнинг. Угилнингизга кўйиб қўйгандек ярашмас, мана, мен кафил. Пойабзал керак бўлса, Абдулбоқи аканинг ўғли Муҳаммаддон қосибга буюртма беринг. Махсидан тортиб туфлингача унинг қўлидан чиқди. Нархига ҳам гап йўқ. Болалар тепкилаб-тепкилаб кийишди...

Абдувалининг гапида жон бор. Сайдулло Валижон — Избоскан туманидаги Тўрткўл қишлоғининг тадбиркорларидан бири. У тиккан костюм-шимлар немис, фин чеварлариникидан асло қолишмайди. Шу боисдан бўлса керак, Балчиқдаги "Алишер Навоий интернейшнл" Ўзбек-Америка кўшма корхонаси, Избоскандаги "Шарқ юлдузи" ширкат

Тадбиркорлар бел боғлашди

— Костюмларни қардан келтиргансиз? — сўраймиз "Пахтаобод" бозоридagi мўжазгина дўкон сотувчиси Аҳмаддон Ақбаровдан. — Ҳаммаси — ўз маҳсулотимиз. Бежиримдиган ташқари, пишиқ ва арзон. Мана бу костюм-шимга эътибор беринг-а, сифати жиҳатидан импорт маҳсулотларидан асло қолишмайди. Нархи ҳам бор-йўғи 16 минг сўм. Ҳолбуки, Италия ва Австралиядан келтирилган бундай кийим-кечакларнинг баҳоси юз минг сўмдан кам эмас.

Турли телпақларни қўлиқўлига тегмай пуллаётган Абдуаслом Қомилзова савол назари билан юзланамиз.

— Илгари бундай телпақлар Санкт-Петербурдан келтирилари. Энди эса уларни тадбиркорларимизнинг ўзлари тайёрлашяпти, — дейди ҳозиржавоблик билан Абдуаслом.

— Сизнингча, ички бозоримизни ўз буюмларимиз, кийим-кечакларимиз билан тўлдиришимиз учун яна нималар қилишимиз керак? — Бунинг учун ҳукуматимиз томонидан барча қўлайликлар яратилиб қўйилдики, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тадбиркорларимиз, ҳунармандларимиз фақат рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш пайдидан бўлишлари керак.

Дарҳақиқат, республика Вазирлар Маҳкамасининг янги қарори нафақат саноат корхоналари зиммасига, балки тадбиркорлар учун ҳам катта масъулият юкляди. Улар буни чуқур ҳис этган ҳолда рақобатбардор истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бел боғлашди. Андижонлик тадбиркорлар фаолияти фикримизнинг тасдиғидир.



— Кеча сертификатсиз туфлилардан икки жуфтини мактаб сотган эдим, харидорлардан кўрган «фойда» шу бўлди, ака... — Аббор ОРИПОВ чиған сурат.



СУРАТЛАРДА: тикши цехида; сараловчи-тикувчи Намунахон Абдуллаева.

Ўнмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Корхона ўнганмоқда, бироқ...

Самарқанддаги "Чарм ишлаб чиқариш" ҳиссадорлик жамияти ўтган йилни 41,8 миллион сўм зарар билан якунлаган, оқибатда унинг бюджет олдидagi қарзи 122,5 миллион сўмга оғирлаб кетган эди. Омборларда эса 40 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар тўпланиб қолганлиги. Вилот ҳўкимлиги томонидан корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, моливийи соғломлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, жорий йилнинг ўртабига келиб, бу ерда етарли миқдорда хомаш захираси тўпланди. Шунинг ҳисобига жамоада қисқа муддатда 500 минг лешметр квадрат хромланган чарм ишлаб чиқаришди. Бу тайёр маҳсулотлар қоллиғини 9 миллион сўмликка, бюджет олдидagi қарзини эса 8 миллион сўмга қайтаришни имконияти беришди.

Аммо ҳали корхонанинг тўлиқ оёққа туриб олиши учун бир қатор муаммоларни ечишга тўғри келади. Улардан бири мавжуд ускуналарни қайта янгиландир.

Ҳиссадорлик жамияти мутахассисларнинг фикрича, республика Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур корхона тароққети учун ҳам кенг йўл очиб беради. Бироқ, афсуски, корхона маъмуриятининг кредит сўраб "Уйжойкамгармабанс"нинг Самарқанд бўлимига қўйлаётган мурожаатлари ижобат топмапти.

Ахир, маблағ етарли миқдорда бўлмағач, мавжуд муаммолар ҳам ўз-ўзиндан ҳал этилмайди-да.

НОИНСОФЛАР

Янги йил арафасида савдо дўконлари ва бозорларимизда болаларга аталган совға-саломлар кўпайиб қолди. Бу табиий, албатта. Аммо шундай дамларда болалар қизиқувчанлиғидан фойдаланиб, мўмай даромад ишлаб қилиш пайдидан бўлган ноинсоф кимсалар ҳам гимирлаб қолиши сир эмас.

Тошкент вилотида божхона бошқармаси ходимлари кейинги бир ой мобайнида ана шундай таққидланган, одамлар тинчлигини бузаётган, соғлиғига зиён етказяётган 25 минг 411 дона пиротехника воситаси — "пақидок"ни мамлакатимиз ҳудудига киритилганда ишлаб қолди.

"Пақидок"ни билан божхона постини четдаб ўтишга уринган "тадбиркор"лардан бири Тошкент шаҳрида яшовчи Дилмурод Йўлдошев бўлиб чиқди. У ўз бошқарувидаги автоуловда айланма йўл орқали Жанубий Қозғистондан нақд 145 минг сўмлик пиротехника олиб ўтаётганда уш

ланди. Яна бир автоулов эгаси Ҳусниддин Алимов ҳам 210 минг сўмлик "пақидок"ни билан қўлга тушган.

— Афсуски, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, пиротехника воситаларини ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари ҳамон учиб турибди, — дейди вилот божхона бошқармаси бўлим бошлиғи, божхона хизмати капитани Эсонмурот Аннаев. — Ваҳоланки, бундай воситаларни ишлаб чиқариш ва сотиш Ҳитойнинг ўзи ҳам тақиқланган бўлиб, улар асосан яширин цехларда тайёрланар экан.

Тўғри қилинган пиротехника воситалари белгиланган тартибда йўқ қилинмоқда.

Ўзбекистон — халқаро туризм бозорида

Тошкент давлат иқтисодийёт университети «Туризм маркетинги» кафедраси мудири, профессор Феруза КОМИЛОВА билан суҳбат

— Ферузахон, туризм соҳасига барча давлатларда катта аҳамият берилди. Ҳамма имкониятларни ишга солиб, уни ривожлантиришга интилади. Бунинг сабаби нимада?

— Туризм иқтисодийётнинг даромадли соҳаларидан биридир. Халқаро туризм ва ички туризм биргаликда мамлакат иқтисоди, яшаш шaroити ва бошқа томонларига таъсир кўрсатади. Халқаро туризмнинг ривожланиши билан айрим мамлакатларда кўплаб аҳоли иш билан таъминланади. Меҳмонхоналар, рестороанлар, дўконлар, музейлар, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа таъинотларда ишлаш, яъни хизмат кўрсатиш учун маалаки, тил биланган ишчи-

лардан ташқари оддий хизматчилар ҳам керак бўлади.

Баъзи мамлакатлар учун туризм катта бизнеснинг тез ривожланган соҳасига айланган. Масалан, товар ва хизматлар экспортдан келадиган даромадларда туризмнинг ҳиссаси Испанияда 60 фоизни, Австрияда — 40, Швейцарияда 80 фоизни ташкил этади.

Чет эл туризми «кўринмас экспорт» деб ҳам аталади. Чунки мамлакатга ташриф элладиган сайёҳлар шу мамлакат моддий ва маданий бойликларини харид қиладилар. Бу мамлакатнинг хизмат воситаларидан фойдаланадилар. Бу эса валюта тушушунини таъминлайди.

Дунёда туристларни кўпроқ юборувчи давлатлар ва турист-

ларни кўпроқ қабул қилувчи мамлакатлар бор. Кўпроқ юборувчи мамлакатларга — АҚШ, Германия, Англия, Франция каби ривожланган давлатлар кирди. Кўпроқ қабул қилувчи мамлакатлар эса Австрия, Швеция, Греция, Испания каби давлатлардир. Булар қаторига Ўзбекистонни ҳам киритиш мумкин. Ҳозирги вақтда халқаро туризм бозорида Ўзбекистоннинг салоҳиятини ошириш учун, аввало, туристик бозорни явулда келтириш керак. Бунинг учун туристик корхоналарга иқтисодий мустақиллик бериш ва улар ўртак рақобат ўрнатилган зарур. Бундан ташқари, туризмни ривожлантиришда чет эл капиталидан фойдаланиш даркор. Ту-

ристик соҳа билан шуғулланувчи жисмоний шахс ва корхоналарга бериладиган имтиёзларни кенгайтириш лозим. 2000 йилда мамлакатимизда 600 миңдан ортиқ чет эл туристлари меҳмон бўдилар. Уларнинг ҳар бири бир миң АҚШ долларидан ортиқ валюта сарф қилди. Мана, туризмнинг иқтисодий самарадорлиги!

Ўзбекистон туризмга мос келувчи ресурслари билан дунёга машҳур. Тарихдан маълумки, мамлакатимиз ҳудудидан қадимий «Буюк Ипак йўли» ўтган бўлиб, бу ерда халқаро муносабатлар фаоллашган, узаро маданий алоқалар ўрнатилган, чунки об-ҳаво шароитлари йил давомида мусофирлар-

Юртимиз киши ҳам, ёзию кузи, баҳори ҳам сайёҳларни ўзига чорлайверади.



ни қабул қилишга мос келган. Ўзбекистоннинг мезморий ёлгорликлари ҳам чет эллик туристларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмай қолмайди.

— Энди газетхоналаримизга, умуман, халқаро миқёсда туризм қандай йўлга қўйилганлиги тўғрисида ҳам қисқача бўлса маълумот берамиз.

— Бутун жаҳон туристик ташкилоти (WTO) башоратига кўра, 2020 йилга бориб планетамизда туристлар сони 1.6 миллиард кишига етади. Туризм иқтисодий жаҳон урушидан сўнг ривожлана бошлади. 1950 йилда 25 миллион киши халқаро саёҳатга чиққан бўлса, 1960 йилда бу рақам 69 миллион кишига кўпайган. Бу кўрсаткич 1970 йилда 165 миллионга етган бўлса, 1980 йилга келиб 284 миллион нафардан ортиб кетди. 1990 йилда 455 миллион киши, 1995 йилда эса 561 миллион киши чет элларга саёҳат қилган. Шулардан 333 миллион киши Европада, 110 миллион киши Африкага ташриф буюрган бўлса, қолган 100 миллионга яқин киши Осиёда саёҳатда бўлган.

2000 йилга келиб 600 миллиондан ортиқ киши халқаро туристик саёҳатларга чиққан. Улардан ташқари ҳар бир мамлакат ичиде амалга оширилган ички туризм ҳам мавжуд. Ички туризм бутун туристик фаолиятнинг 60-80 фоизни ташкил этади. Демак, жаҳон бўйлаб ҳар йили деярли 2 миллиарддан ортиқ киши туристик саёҳатларга чиқади.

— Яна Ватанимизда туризмни ривожлантириш ва унинг жаҳон бозоридаги салоҳиятини юксалтириш масаласига келсак. Бу борада қандай долзарб вазифалар олдимизда турибди?


— Энг асосийси, бу йўналишда жаҳон бозори маркетингини ўрганиб чиқиш лозим. Аввало, Хитой, Хиндистон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон каби қўшни давлатлар билан бирга уларнинг ички бозорида сотиш мумкин бўлган туристик маҳсулотларни аниқлаш керак. Иккинчидан, МДҲ давлатлари ўртасида сотиладиган туристик маҳсулотлар туркуми ҳанузгача яхши аниқланиб, йўлга қўйилмаган. Бу йўналишда фаол ишлашга тўғри келади.

Учинчидан, биз билан ўзаро сиёсий шартнома тузган давлатларнинг кўпига ҳатто ҳаво йўллари очилган. Бу давлатларда миллий туристик маҳсулотларимизни сотиш яхши йўлга қўйилса, туристларнинг ўлкамизга жалб қилиш фаоллашади.

Шундай қилиб, халқаро туризм бозорининг ривожланишида Ўзбекистоннинг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, уни мустақамлаш ва кенгайтириш мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтиришга олиб келади.

Суҳбатчи М.САФАРОВ тайёрлади.

Ҳар қарич тунпроғи зар



Қорақалпоғистон заминиде юзлаб тарих ва археология ёлгорликлари мавжуд. Ана шулардан бири Аёққалъа ёлгорликлари аввалги II-IV асрларга оид урта қадимий қалъа харобаларидан иборат. Кўпчиликка маълум бўлган «Хоразм археология ва этнография илмий сафари» ишторқчилари 1937 йилдан бошлаб узоқ йиллар давомида Аёққалъа тадқиқотлари олиб бормоқдалар. У ердан асосан Қушон подшоҳи даврига доир сопол идишлар, меҳнат қуроллари, асқаллар, зоб-зийнат буюмлари ҳамда тангалар, шу жумладан, император Канишқарб эрттирган пуллар топилган.

Қадимий қалъанинг шундоқ ёнида узунлиги 20 километрдан ортиқ, эни 5 километрга борадиган ҳавза бор. Аёққалъа деб номланадиган бу қўлнинг суви тик, минераллашув даражаси у қадар юқори эмас. Унда балиқларнинг бир қатор ноёб турлари кўпаймоқда.

Қалъа ва қўл азалидан сайёҳлик ташкилотларининг диққат марказида бўлиб келган. 1999 йили «Аёққалъа-тур» сайёҳлик фирмаси ташкил этилди. Уша йилнинг ўзидеёқ 170 метр баландликда жойлашган Аёққалъа қўрғони қоша 3 та ўтов, бошқа зарур буюмлар, бир неча сўрилардан иборат ўзига ҳос кемпинг барпо этилди. Шунингдек, фирма сайёҳлар учун

мўлжалланган замонавий автобус, микроавтобус, моторли қайиқ, турт-бешта тўя харид қилди. Уч йилдирки, буларнинг барчаси сайёҳлар манфаатларига кизмат қилмоқда.

— Орадан кўп вақт ўтмай, «Аёққалъа-тур»нинг долруғи узоқларга бориб етди. Шу кунгача қалъа ва қўлда, шу атрофда қанчадан-қанча қадимий ёлгорликларда Франция, Германия, Буюк Британия, Япония ва бошқа нуфузли мамлакатлардан сайёҳлар бўлиб, Қорақалпоғистон жанубининг бетақрор экзотикисини билан танишдилар. Ҳозирда АҚШ сенатори Альберт Гор Аёққалъа ёлгорликлари мажмуи билан танишиб, унга катта баҳо берган эди.

«Аёққалъа-тур» қадимий қалъа ва қўл, теварақдаги аjoyиб ёлгорликлари билан хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни таништиришда дастлабки қадамларни қўймоқда. У «Узинтур», «Сайраҳтур», «Тошкенттурист», «Бухоротурист», «Хоразмтуризм» ва бошқа сайёҳлик ташкилотлари билан ўзаро шартнома асосида ишламоқда. Сайёҳлик армарқаларида фаол иштирок этмоқда. Инглиз ва рус тилларида реклама буклети чоп этилди.

— Айни пайтда фаолиятини юксалтириш қиладиган ишларимиз кўп, дейди фирма директори Дилшад Қаримбеков. — Кемпингга оид борадиган йўлнинг бир қисмини сошлаш, электр таъминотини яхшилаш, шу ернинг узидан артезиан қудуғи қазилш, энг муҳими, Интернет орқали сайёҳлик сайтларига чиқишимиз лозим. Тез орада бизнинг ишимиз янада мукамаллашиб, бетақрор Аёққалъа сайёҳлар қўлга келишига ишончимиз кўп!

Янгийоб ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

Хориждагидан қолишмайди

Таълимни илм-фан раванқисиз тасаввур этиб бўлмайд. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни илм-фан ривожига олиб боришга асосий эътибор қаратилган. Ҳўш, Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институтида бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримизнинг шу институт ректори, профессор, Олий Мажлис депутаты Муродилла НОРМУРОДОВ билан суҳбатда шу ва шу каби бир қанча долзарб масалалар тилга олинган.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳам таълим жараёни билан илм-фан ривожини кўшиб олиб боришдир. — дейди М.Нормуродов. — Таққослаш учун бир мисолни келтириб ўтай. 1997 йилда давлат гранти бўйича битта мавзуда 250 миңг сўмлик илмий тадқиқот иши бажарилган бўлса, 2002 йилда 8 та мавзуда 3 миллион сўмлик илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. 1997 йилда хўжалик шартномаси асосида 800 миңг сўмлик илмий тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, бундай тадқиқотлар 2002 йилга келиб 25 миллион 400 миңг сўмни ташкил этади.

Педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида институтда аспирантура ташкил қилинди. «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш», «Умумий дехқончилик», «Иқтисодийёт назарияси» йўналишини бўйича аспирантлар таъсис олишмоқда. Бундан ташқари, республика Фанлар академиясининг тармоқ институтлари ва олий ўқув юртрларида ҳам аспирант, тадқиқотчи ва докторантларнинг илмий изланишлари олиб боришмоқда. Сўнгги 5 йилда 20 та номзолик, 2 та докторлик диссертациясини ҳимоя қилгани ҳам шунини кўрсатади. Айни чоғда 2 киши докторантурига тутатди.

1997-2002 йилларда институтимизда 1 марта халқаро, 7 марта республика, 8 марта институт миқёсида илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

40 дан ортиқ кашфиёт патент олинди. Олимларимизнинг 20 дан зиёд илмий-тадқиқот ишлари хўш ҳужайига хориж қилинди. Шунини айтиш керакки, 1999 йилдан буюн «Ўзбекистон жанубидеги иқтисодий-иқтисодий уюмлар, ёлғил энергетика ҳамда маълумоти хомаше комплексининг илгор технологиясини ишлаб чиқиш ва қадрлар тайёрлаш мавзусида комплекс дастур асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган.

Олимларимиз республикамиздаги ва хориждаги, жумладан, Германия, Голландия, Италия, АҚШ, Россия, Украина, Беларусь каби давлатлар мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Яқинда Германиянинг Людвигсхафен университети билан институти-

миз ўртасида ўзаро ўқув, илмий ва халқаро алоқаларни ривожлантириш юзасидан уч йилга мўлжалланган шартнома имзоланди.

— Талабалар ҳам, профессор-ўқитувчилар ҳам илмий изланишлар олиб боришда, энг аввало, китобга эътибор сезадилар. Институтда замонавий кутубхона қурилиб, ишга туширилганлиги ҳам шу эътибордан келиб чиққан бўлса керак?

— Ҳа. Аслида талаба асосий билимини мустақил равишда олиши керак. Ҳўқитувчи унга йўлнамга беради, холос. Бинобарин, кутубхона ва ўқув лабораторияси жуда зарур. Буюсиз талабалар илм-фанни эгаллашши, олган билимини мустақамлашши қийин. Шунини эътиборга олиб, замонавий кутубхона бинаоси қурилиб ва ишга туширилди, ҳамда зарур ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Кент ва ёруғ қиратхоналар ташкил этилди. Китоб фонди 121742 тага етказилди. Кейинги йилларда қарийб 30 миллион сўмлик янги ўқув адабиети сотиб олинди. Электрон кутубхона ташкил этиш мақсадида 186 фандан маълумлар матнлари тўпلامининг электрон дискетлари вариантлари тайёрланди.

64 та фандан дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзиш бўйича шартномалар тузилиб, вазирликдан тасдиқланган ўтди. Профессор-ўқитувчиларимиз тайёрланган 14 та дарслик ва ўқув қўлланмаси вазирлик қошиқдаги Мувофиқлаштирувчи кенаш томонидан чоп этишга тавсия қилинди.

— Шу ўринда иқтидорли талабалар, уларни аниқлаш ва истеъодини намойиш этишлари учун яратилган шарт-шароит ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Иқтидорли талабаларни аниқлаш ва мақсадли ўқитишни йўлга қўйганмиз. Бунинг учун махсус Низом ишлаб чиқилган. Иқтидорли талабалар алоҳида ўқитилмоқда. Ана шундай гуруҳлар сони ҳозир 15 тага етди. Шунингдек, иқтидорли талабалар маркази ташкил этилиб, малакали кадрлар билан таъминланган. Ҳар бир иқтидорли ёшта таърибли профессор-ўқитувчилар бирикитиб қўйилган. Шулар тўғрисида сўнгги йилларда талабаларимиз республикадаги фан олимпиадаларида совринли

ўринларни эгаллашапти. 1998-1999 ўқув йилида 2 нафар талаба Беруний номидаги давлат стипендияга бўлган бўлса, 2001-2002 ўқув йилида улар 6 нафарга етди. «Умид» жағмараси совриндорлари сони ҳам ошди.

Замон шунини тақозо этиптики, энди талабалар компьютерлари ҳам мукамал билишлари ва ундан тўла-тўқис фойдаланишлари керак.

— Шундай. Институт моддий-техника базаси ва ахборот таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келаямиз. Айни пайтда институтнинг компьютер парки 210 тага етди. 3 та моддем алоқа, электрон почта мавжуд. Институт Интернет тизимига уланган. Давлат тест маркази билан боғланганмиз. Ахборот технологиялари ва масофавий таълим маркази ташкил этганмиз. У зарур жиҳозлар ва малакали кадрлар билан таъминланган. Охириги 5 йилда моддий-техник базани мустақамлаш учун 250 миллион сўм сарфланди.

— Таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш, назарий билимларни амалиётда мустақамлаш ишлари қил даражада йўлга қўйилган?

— Шунини айтиш керакки, ишлаб чиқаришда замонавий техника воситалари қўлпаб қўлданлишмоқда. Турли корхоналарда филиаллар, ўқув полигонлари ташкил қилганмиз. Масалан, «Исчиқлик энергетикаси» кафедраси Толдмаржон ДАЭСда, «Нефть ва газ иши» кафедраси «Ўзбурнефтьга» корхонасида талабалар амалиётини ўтказмоқда.

— Институтда маданий-маърифий ишларга қил даражада эътибор бериладими?

— Институтимизда маънавий-маърифий ишларга, ёлғилнинг маънавий, ахлоқий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдамиз. «Президент асарларини ўрганиш бўйича танловлар» доимий равишда ўтказиб бориладиган. Мадааний-маърифий, ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар, анжуманлар, конференциялар уюштирилди. Миллий истиқлоқ юкс, мустақиллик мафрураси ёлғилнинг ўрганиш маркази ташкил этилган. Марказ томонидан амалга ошириладиган ишлар диққатга созорандир. Ҳўллас, ҳамма нарса ёлғилнинг баркамол, билимли ва малакали мутахассиси, аjoyиб инсон бўлиб воғта етишишларига қаратилган.

«Халқ сўзи» мухбири Нарзулла РАВШАНОВ суҳбатлашди.

Меҳмонхоналарда мижоз нега кам?

Бугунги кунда Европа минтақаси меҳмонхоналар сонининг кўпчилиги жиҳатидан биринчи ўринда, АҚШ иккинчи ўринда ва ундан сўнг Шарқий Осиё мамлакатлари туради. Туризм даромад келтирувчи соҳалигини инобатга олиб, меҳмонхоналар қуриш тобора авжга чиқмоқда.

Маълумки, собиқ шўро замониде юртимизга ташриф буюрадиган туристларнинг барчаси «марказ» орқали келарди. Мустақилликка эришган, республикамизда туризмни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Мамлакатимиз Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони юртимизда туризмга эътибор кўчаганининг ёрқин мисолидир. Туристларни кўнгилдақандай қутиб олиш учун эса халқаро андозалардаги меҳмонхоналар ҳам керак. Шу боис қисқа муддатда «Интерконтинентал», «Шератон», «Ле Меридиан», «Афросиёб», «Бухоро Палас» каби меҳмонхоналар жаҳон талабларига тўла мос келадиган даражада қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бошқа меҳмонхоналаримиз ҳам юксак талаблар даражасида таъмирдан чиқарилмоқда. Меҳмонхоналар мамлакатимиз хазинасига тушадиган валюта ҳажмининг ортишига, янги иш ўринларининг ташкил топишига ва турли қўшимча хизматларнинг қўлайишига сабаб бўлаёттир.

Бироқ, очик айтиш керак, кейинги йилларда бир қатор меҳмонхоналаримизда мижозлар сони кескин камайди. Сабаби ҳақида «Меҳмонхона нархлари ҳаддан ортиқ қиммат» дегувилар пайдо бўлди. Хилма-хил фирмалар ҳақиқатга нечоғлик тўғри келиши билан қизиқди. Аслида муаммо қаерда? Республикаимизда хорижий

туристлар учун келиб-кетиш қоидалари халқаро битимларга тўла мос келади. Уларнинг юртимизга келиши учун бирон-бир тўсиқ йўқ. Турги, Афғонистон воқеаларининг таъсири сезилди. Ҳозир эса сиёсий аҳвол мўтадиллашди. Аммо барибир хорижий туристларнинг сони қониқарли даражада ортамапти. Масалага оидлик киритиш мақсадида пойтахтимиздаги бир қатор меҳмонхоналарда бўлди. «Ўзбекистон» олий даражадаги меҳмонхона бўлиб, хоналари дид билан жиҳозланган. Хорижлик сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш аъло даражада ташкиллаштирилган. Қўнлик туриш нархларига эътиборни қаратадиган бўлсак, 80-120 АҚШ доллари оралиғида, эрталабки нонушта чипта нархига киритилган. Ҳўзбекистон фуқаролари учун эса 40 АҚШ доллари миқдориде белгиланган. Қўнлик «Ўзбекистон» меҳмонхонаси даражасидаги «Кайра» меҳмонхонасида бир қўнлик хизмат ҳақи 400 АҚШ долларига тўғри келади. «Шодлик-Палас» меҳмонхонасидаги нарх эса 110-300 АҚШ доллари атрофида, эрталабки нонушта учун 15 АҚШ доллари белгиланган. Юртимиз фуқаролари учун бу нарх 50 АҚШ доллари ҳажмида белгиланган. «Мовароуннаҳр» қўшма корхонасига қарашли «Пойтахт» меҳмонхонасининг чипта баҳоси 70-150 АҚШ доллари оралиғида белгиланган, хорижий ва мамлакатимиз фуқаролари учун бир хил нарх қўйилган.

Агар юқоридеги нархларни хориждаги меҳмонхоналар билан таққосласак, анчагина фарқ борлиги кўзга ташланади. Меҳмонхоналарнинг қўнлик туриш нархи хорижда 350 доллардан 25000 долларгача етказиб қўйилган бўлса, биздаги нарх эка ушлайдиган даражада эмаслигига амин бўласиз. Ҳўллас, турист-

ларнинг камбўлигига меҳмонхоналар нархи сабаб бўла олмайд. Чунки хизмат ҳақи уларга нисбатан анча арзон. Гап бошқа ёқда. Бозор иқтисодийёти талаблари ҳар бир соҳада ишбилармонлик ва пухталлик талаб этади. Хорижий туристларни юртимизга жалб этишнинг синналган усулларидан кенг фойдаланиш кўзга ташланапти. Туристик ярмаркалар билан қанотатланишдан иш чиқмайди. Қанончи хорижликлар Ўзбекистон ҳақида тасаввурлари бой ва аниқ бўлгандагина юртимизга овланади. Улар сўни кўрмасдан этик ечмасликларини инобатга олиш керак. Миллий туризм компанияси чет элларда мамлакатимиз ҳаётининг аёқ эрттирувчи буклетлар, рисолалар, тарихий обидаларнинг расми солинган медалчалар, видеороликлари ва Ўзбекистон адабиёти ва санъати намояндаларининг асарларини фаол тарғиб қилса, хорижликларнинг қизиқишини қучайтириш мумкин.

Ташаббускорлик ва тadbиркорлик етишмаётганлиги тўғрисида кўпгина соҳаларда изоҳотлар оқсатганлигига эътибор қаратиб, Президентимиз Вазирлар маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йилиги якунига бағишланган йўғилишида шундай деган эдилар: «Реклама изланувчанлик ва катта маблағни талаб қилади. Кимки қучли рақобат шароитида муваффақият қозонмоқчи бўлса, бундай маблағни топиши, ўз махсулотларини реклама қилишга жиҳдий эътибор бериши керак бўлади». Бу фикр бевосита туризм соҳасига ҳам тегишли. Чунки халқаро туризм кўпроқ рекламага боғлиқлиги кунда йил раванш. Маълумки, қўнча юртимиздан қадимдан элчию тўжкорларнинг қадами узиламанган. Уларнинг дилларини ҳамиша ўлкамиз-

нинг бебаҳо табиат инъомларини боболаримиз мероси — тарихий обидаларни ўзига ошуфта этган.

Меҳмонхоналарнинг бирида россиялик Леонид Дмитриев деган меҳмон учратдим. Ундан ўлкамизга ташрифи тўғрисида сўраганимизда:

— Юртингиз қўешили ўлка, уни жаннатга қийбашгани бежиз эмас. Ҳар йили оилам билан келаман. Меҳмонхоналари Европа давлатлари ринкидан қолишмайди. Тарихий обидаларнинг бетақрор сеҳридан ҳайратланамиз. Таъми тили ёрувчи қовундан тортиб, анжирю шафтолиларни тўйиб истеъмол қиламиз. Оиламизда дам олиш муаммоси қийилиши билан ҳамма «Ўзбекистонга!» деб қўл кўтарди. — дейди меҳмон.

Бу — биргина хорижлик туристнинг кўнгли изохори. Ўлкамизга бир келган киши қайтадан келиши аён. «Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтибди!» деб бекорга айтилмаган.

Меҳмонхоналарнинг истиқболини оширишининг яна бир йўли — ички туризмни ривожлантиришдан иборат. Бу — кўп жиҳатдан жойлардаги Миллий туризм компанияси бўлимларига ва лицензия олган хусусий фирмаларнинг фаолиятига боғлиқ. Айрим туристик фирмалар фақат хорижа айлантиришини асосий мақсадга айлантиришини тўшуниб қийин. Ташки туристларни жалб этиш билан бир қаторда ички туризмни ҳам ривожлантириш шунингдек ички туризмнинг ишлаб олиш соҳанинг даромад манбаини кескин оширади.

Ҳўллас, меҳмонхоналаримиз гавжумлашшини учун турист меҳмонларни кўнгли изохори. Бу энди мамлакатда туризм ишини ривожлантиришга муваффақият ташкилотларининг сиҳийлиги саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Муфтилло ЮСУПОВ.

Энди Ватанимдан кетмайман

Мен, Аҳмадхон Темурхон ўғли (Робертто Лоретто) асли шахрисабзликман. Тақдир тақозоси билан бундан 55 йил аввал отам — Темурхон ўзбекистондан чиқиб кетган. Ушунда мен 5 ёшда бўлганман. Дастлаб биз Афғонистоннинг Мозори Шарифида яшаганмиз. Икки-уч йилдан сўнг Хиндустонга кетганмиз. У ерда ҳам узоқ турмасдан, Туркиянинг Одина шаҳридан паноҳ топганмиз. Бу ерда ҳам кўнм топамасдан, Италияга (Сицилиядаги Палермо шаҳрига) кетдик. Бу шу ерда Робертто Лоретто исми — фамилиясини қабул қилдим. 14-15 ёшда Америкага келиб қолдик. Америкада 50 йилдан зиёд яшадим. Эшим ҳозир 63 да. Дунёнинг Саудия Арабистони, Қувайт, Бразилия, Германия сингари ўтмишга яқин давлатларида бўлганман. 11 та тили билганман. Буларни нима учун айтаяман? Шунинг учунки, мусофирликнинг бор азобини кўрганман. Давлатнинг ўзбекистон ҳақидаги ҳикоялари кечадигай эсимда. Она-юрт соғинчи ўзбекистонга ташинтирган. Аллоҳга минг шуқурки, мустақиллик сабаб бу бахтга мушарраф бўлдим. Бобом ва отамга шу кунлар насиб қилмаганини кўксимда армон бўлиб қолди. Бобомнинг ҳоқи Мозори Шарифда, отамнинг қабри эса Американинг Нью-Жерси шаҳрида қолди. Она-юрт қадрли мусофирликда билганим. Бир қафт тупроқ қанчалик азиз, қанчалик табарруқлигини билсангиз эди.

Ўзбекистонга келганимда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетган. Киндик қоним томган Шахрисабзни кўрганам, айниқса, Гумбази Сайидонда бўлганимда ҳўнара йиғлаганман. Шу кунларга етказганига шуқур, дейман ичимда тақдор ва тақдор. Оксариоини кўриб, хайратдан хангу манг бўлиб қолганман. «Менинг аجدодларим. Қаранг, улар қандай буюк иморатлар қуришган» деган фикр сира хайлидан кетмаган.

Шундан бери, мана, 6 ой ўтди. Ўзбекистон тупроғида яшиб, Ўзбекистон ҳавосидан нафас олаётман. Шу ерга келиб, эҳ дунига қайтадан келдим. Янги ҳаёт бошладим. Уландим. Энди эса табиқкорлик билан шуғулланишга аҳд қилдим. Нима учун бу ишни қилганим? Ўйлаганим, чет-матрога билишди. Тошкентга келиб, метррога тушганим эсимда. «Хурматли бўловчилар, ёш қатта бўловчиларга жой бериш» деган сўзларни эшитиб, ростки, ёш боладай завқланганман. Қаерда бор бундай иштифот, хурмат-иззат?! Кексаларни қайралиш, улара ўрнидан туриб жой бериш... Яна махсус «Қарияларни қадрлаш

Шохрисабз деганда, Амир Темурни, Амир Темур деганда, Шахрисабзни кўз олдима келтирганман доим. Энди эса Ўзбекистон деганда, Ислам Каримовни, Ислам Каримов деганда, Ўзбекистонни тушунаман. Нафақат мен, хориждагиларнинг ақсарияти шундай фикрда. Бу бежиз эмас. Ислам Каримов Ўзбекистонни жаҳонга танитди. Энди ўзбек халқининг ҳеч қимдан кам бўлмаганини учун заҳмат чекоқда. Шунинг билан, шунинг кўриб, шунинг ҳис қилиб, Ўзбекистонда бутунлай қолишга қарор қилдим. Қўлимдан келганча мен ҳам шу юртга, шу элга хизмат қилсам, деган ниётиман. Агар шу ниётимга етсам, ўзимни бахтиёр деб билганам.

Бу гапларни асарбойи қувонганимдан ёзаяман. Қолаверса, бу юрт, бу жойини қадриса етиш керак. Тинчлик, оқошталликнинг қадриса етиш керак. Бу гапларни мусофирликни кўрган одам сифатида айтаяман. Бу гаплар юрагимдан қайнаб чиқаятти. Ҳашиаматли туй-момошалар, исрофгарчиликлар маърифати ҳозир? Йўқ. Аксинча, бор имкониятни ишга солиб, тараққиётга эришиш, бунинг учун бир-бирини қўллаб-қувватлаш пайми-ку ахар? Йўқим, Ўзбекистонга кўз тегмасин. Азиз-авиллар, Соҳибқирон Амир Темур руҳи қўласин. Аллоҳ ўзи мададор бўлсин. Мен сенин ўғлиман, Ўзбекистон! Сенинг гуллаб-яшнашиг учун мен ҳам ҳисса қўшаи, деб ният қилдим. Худо ниятига етказсин.

Аҳмадхон ТЕМУРХОН ўғли (Робертто ЛОРЕТТО).

Дил изхори

дейишди. Бундай гапларни эшитиб, кўноиб кетаман. Чунки мен Ислам, Каримовга астойдил эътиқод қўйганман. Мустақиллик туйғулари бизга ўхшаб Ватанидан жудо бўлганлар она-юрт тупроғига қадам қўйиш бахтига эришдилар.

Шахрисабз деганда, Амир Темурни, Амир Темур деганда, Шахрисабзни кўз олдима келтирганман доим. Энди эса Ўзбекистон деганда, Ислам Каримовни, Ислам Каримов деганда, Ўзбекистонни тушунаман. Нафақат мен, хориждагиларнинг ақсарияти шундай фикрда. Бу бежиз эмас. Ислам Каримов Ўзбекистонни жаҳонга танитди. Энди ўзбек халқининг ҳеч қимдан кам бўлмаганини учун заҳмат чекоқда. Шунинг билан, шунинг кўриб, шунинг ҳис қилиб, Ўзбекистонда бутунлай қолишга қарор қилдим. Қўлимдан келганча мен ҳам шу юртга, шу элга хизмат қилсам, деган ниётиман. Агар шу ниётимга етсам, ўзимни бахтиёр деб билганам.

Бу гапларни асарбойи қувонганимдан ёзаяман. Қолаверса, бу юрт, бу жойини қадриса етиш керак. Тинчлик, оқошталликнинг қадриса етиш керак. Бу гапларни мусофирликни кўрган одам сифатида айтаяман. Бу гаплар юрагимдан қайнаб чиқаятти. Ҳашиаматли туй-момошалар, исрофгарчиликлар маърифати ҳозир? Йўқ. Аксинча, бор имкониятни ишга солиб, тараққиётга эришиш, бунинг учун бир-бирини қўллаб-қувватлаш пайми-ку ахар? Йўқим, Ўзбекистонга кўз тегмасин. Азиз-авиллар, Соҳибқирон Амир Темур руҳи қўласин. Аллоҳ ўзи мададор бўлсин. Мен сенин ўғлиман, Ўзбекистон! Сенинг гуллаб-яшнашиг учун мен ҳам ҳисса қўшаи, деб ният қилдим. Худо ниятига етказсин.


Аҳмадхон ТЕМУРХОН ўғли (Робертто ЛОРЕТТО).



Унга кўра, «Ал-қоида» Афғонистон ҳудудида ҳамон фаолият кўрсатмоқда. Унинг жангарилари ва бу ташкилот негизда тайёргарликдан ўтган бир қанча террорчилар ҳалигача ушланмаган. Гуруҳ кейинги пайтларда Афғонистоннинг шарқи — Покистон билан чегарадош ҳудудларда ҳаракат қилиши лозим бўлган террорчиларни тайёрлаган. Яқинда бўлиб ўтган Бали (Индонезия) ва Момбаса (Кения)даги террорчилик ҳаракатлари маъруз гуруҳнинг нақадар кенг миқёсда ҳаракат қилаётгани ва бундай гуруҳларнинг ўзаро бирлашишига интилаётганидан далолат беради. БМТнинг «қора рўйхат»идан Усома бин Лодин ва «Ал-қоида»га алоқадор бўлган 233 нафар террорчи ва 91 та ташкилот жой олган, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.

Махсус гуруҳ маълумоти

Бирлашган Миллатлар Ташкилотиде «Ал-қоида» халқаро террорчилик ташкилотининг молиявий алоқаларини кузатиш билан шуғулланувчи махсус гуруҳ хулосалари эълон қилинди.



Ари Флейшер баёноти

АҚШнинг Россия билан муносабатларидаги илқиклик барча соҳаларда яқдилликдан далолат бермайди, дея баёнот берди Оқ уйнинг расмий вакили Ари Флейшер. У Россия ташқи ишлар вазири И.Ивановнинг Вашингтонга ташрифи давомида билдирган Ракета ҳужумлари қарши мудофаа тизими борасидаги фикрларини шу тариқа шарҳлади. Икки мамлакат қарашлари ўртасидаги бу тафовутлар, жаноб Флейшернинг айтишича, «ўз самарасини берадиган саботли, вазмин дипломатия йўли билан ҳал этилади», деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Ҳожуанинг олди олинди

Янги йил арафасида «ЭТА» гуруҳи вакиллари Мадрид шаҳрида иккита террорчилик ҳаракатини амалга оширишни режалаштираётганлиги аён бўлди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги. Маълум бўлишича, улар полиция ходимлари билан бўлган тўқнашудан сўнг ҳибсга олинган. Маҳаллий полиция берган маълумотларга кўра, отишма чоғида бир полициячи ҳалок бўлган. Испания ички ишлар вазири Анхель Асебеснинг маълум қилишича, кўлга олинганларда 130 кг. атрофидаги портловчи модда топилган. «Бу портловчи ашёлар ёрдамида улар пойтахтнинг йирик савдо марказларида террорчилик ҳаракатини содир этишни режалаштирган», деди Асебес матбуот анжуманида.

655 миллион киши шуғулланмоқда

2002 йил охирига келиб, Хитойда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 58 миллион кишини ташкил этди, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги. Хитой Ахборот-интернет марказининг хабар қилишича, ХХР шундай қилиб Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқиб олди. Якунлаётган йил давомида Хитойда Интернетдан фойдаланувчилар сони 28,7 миллион кишига кўпайган. Маҳаллий мутахассисларнинг айтишича, Хитойда Интернетдан асосан 35 ёшга тўлган ва уйланимаган эркаклар фойдаланади. Бироқ электрон кенглик ёш хитойлик қизлар орасида ҳам жадал омаллашмоқда. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда Интернетдан 655 миллион киши фойдаланмоқда.

Шов-шувли янгилик

АҚШлик бир гуруҳ олимлар тиббиёт соҳасида янги кашфийтга гувоҳ бўлишди. Ошдий хоналик умуртқали ҳайвонлар орасида юрак тўқималари тикланиш қобилиятига эга бўлган ягона жонзот экан. Тилла тангалари кўзни олувчи бу жонивор олимларга ҳақиқий қувонч бахш этди.

АҚШдаги Ҳовард Хьюз тиббиёт институти мутахассислари хоналик юрагининг 20 фоизини олиб ташлади. Натига шу бўлдики, бир ҳафта ўтмасдан, у соғлом бақиллар каби сувда бемалол сузиб кетди. Икки ой ўтгач, операция ўрнида чандик ҳам, из ҳам қолмади. Қайта тикланган ҳужайралар одатдаги соғлом юрак фаолиятини бемалол бажарар эди.

Олимлар бу жараёнда ўта аҳамиятли генини ажратиб олишга муваффақ бўлди. Улар генилар бошқарилиши механизмининг ўзгариши орқали одамнинг юрак тўқималарини тиклаш мумкин, деган фикрда.

Шарҳловчи минбари

Афғонистон — бизнинг ён қўшни — жон қўшимиз. Бизнинг маънавийятимиз, урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз уйғунлашиб кетган. Утмишимизнинг чамбарчас болганган томонларни кўп. Шунинг учун ҳам ўтмиш охирида афғон халқининг бошига тушган муқаббатлардан биз ҳам қаттиқ қайғурдик.

Бир йилдирки, қўшни юртда тинчлик ҳукм сурмоқда. Биз қардош халқ тупроғида ҳаминша тинчлик, оқошталлик барқарор бўлишини истаймиз. Шундангина бордикелдимиз кўпайиб, алоқаларимиз ривожланиб, кўп томонлама ҳамкорлигимиз мустақамланиб бораверади. Яқинда Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулло Абдулло Ўзбекистонда бўлди. Учрашувлардаги самимият муносабатларнинг дустона ва қарошларча эканлигиндан далолат бериб турди. Ўзбекистон телевидениеси Афғонистоннинг шимолий вилоятларидан мунтазам лавҳалар бериб турибди. Бу ҳам яхши ҳалал бериб турибди. Бу ҳам яхши ҳалал бериб турибди. Бу ҳам яхши ҳалал бериб турибди.

Бошқа бир ташвишли ҳолат — бу мамлакатда наркотик моддалар етиштиришнинг кўпайиб бораётганлигидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг маълумотларига қараганда, бу йил 91 минг тектар ерга кўкнори экилган. Олинган ҳосил бугунги кунда ўз истеъдодчиларига етказиб берилмоқда. Бунинг йўллари кўп. «Труд» газетаси шу йил 22 ноябрь кунги сониде ана шундай йўллардан бири ҳақида мақола эълон қилди. Уни ўқитган одамни ваҳима босади. Мақолада айтилишича, биргина тожик-афғон чегараси орқали ҳар йили Афғонистондан Россияга 20 тоннадан ортиқ наркотик моддалар олиб ўтилар экан. Қандай қилиб, чегаралар қабққа қараяпти, дейишингиз мумкин. Мақолада наркотикизи

деҳқон бозорларимизга ўқшаб кетди. Демак, ҳаёт ўзгарапти. Бироқ ивгогарлар, бузғунчилар, террорчилар, гаразгўйлар, гуруҳбозлар ҳали-бери тинчмайдиган кўрилади. Яқинда «Интерфакс» ахборот агентлиги мамлакат мудофаа вазири Муҳаммад Фаҳимга суиқасд уюштиришга уриниш бўлганлиги ҳақида хабар тарқатди. Бундай ҳара-

Тинч ҳаётнинг баҳоси


кат илгари муваққат ҳукумат аъзоларида ҳам бўлган. Шу йилнинг эзида мамлакат вице-президенти Қодир суиқасд қурбон бўлди.

Бошқа бир ташвишли ҳолат — бу мамлакатда наркотик моддалар етиштиришнинг кўпайиб бораётганлигидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти экспертларининг маълумотларига қараганда, бу йил 91 минг тектар ерга кўкнори экилган. Олинган ҳосил бугунги кунда ўз истеъдодчиларига етказиб берилмоқда. Бунинг йўллари кўп. «Труд» газетаси шу йил 22 ноябрь кунги сониде ана шундай йўллардан бири ҳақида мақола эълон қилди. Уни ўқитган одамни ваҳима босади. Мақолада айтилишича, биргина тожик-афғон чегараси орқали ҳар йили Афғонистондан Россияга 20 тоннадан ортиқ наркотик моддалар олиб ўтилар экан. Қандай қилиб, чегаралар қабққа қараяпти, дейишингиз мумкин. Мақолада наркотикизи

билан шуғулланувчиларнинг чегарачиларни қандай сотиб олаётганлиги ҳақида очик ёзилган. Ҳатто афғонистонлик қайси дала кўмондони (исмлари айтилган) наркотик моддаларни тожик-афғон чегарасининг қайси участкасида (Панж ва Москва чегара бўлинимлари назоратдаги) қандай қилиб олиб ўтишни тазминлаётганлиги аниқ айтил-

ган. Илгари қонли террорларни амалга оширганлар учун паноҳ бўлган замин, наҳотки, энди «оқ ажал» уруғини сочувчилар учун макон бўлса?! Албатта, Афғонистондаги бундай аҳвол жаҳон ҳамжамиятида, дунё халқларида, биринчи навбатда унга қўшни бўлган давлатларда жиддий ташвиш туғдирмасдан қолмайди.

Мамлакатда ечимини кутаётган муаммолар кўп. Ташқаридан бўладиган ердансиз муаммоларни ҳал этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Евроатлантика Ҳамкорлик Кенгашининг шу йил ноябрь ойида Прагада бўлиб ўтган саммитида сўзлаган нутқида давлат ва ҳукумат раҳбарларининг эътиборини Афғонистондаги бугунги вазиятга қартиб, жумладан, шундай деди: «У ерда ҳали ҳал қилинмаган кўплай муаммолар маъжуд. Улар, аввало, қўрсолсантириш, миллий армия



Иброҳим НОРМАТОВ, сибсий шарҳловчи.

ва давлат бошқарувини шакллантириш, Афғонистонни тинч ҳаётга қайтариш бўйича дастурларни амалга ошириш ва зарур маблағларни топиш ҳақидаги Токио конференцияси қарорларини бажаришдан иборат».

Шубҳасиз, бу муаммоларни ўтган йили антитеррористик коалицияга кирган ва ҳозир Афғонистондаги вазиятни назорат қилиб турган ҳамда жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларнинг ёрдамисиз, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотларнинг, биринчи навбатда БМТнинг иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон раҳбари Афғонистонга яна жаҳоннинг диққат-эътиборини тортаётганлиги бежиз эмас. Қўшимиз тинч ҳаётга, ўзаро тотувликка, бунёдкорлик ишга қанчалик тез қайтса, биз шунчалик мамнун бўламиз. Чунки қўшимиз тинч бўлса, биз ҳам тинчимиз.

Иброҳим НОРМАТОВ, сибсий шарҳловчи.

ЭНГ ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ ЭНДИ ТОШКЕНТ, САМАРҚАНД, УРГУТ, КАТТАҚЎРҒОН, УРҒАНЧ, НУКУС, ХИВАДА!

ЯҚИНДА
БУХОРО
ТЕРМИЗ
ҚАРШИ
Тош. вил.
ЧИРЧИҚ
Оромгоҳлар
ЧОРБОҒ
ЧИМЁН
БЕЛДЕРСОЙ

Қ И С Қ А
МАЪЛУМОТ
ХИЗМАТИ
(SMS)

О В О З Л И
МАЪЛУМОТ
ХИЗМАТИ
(VMS, АВТООТВЕТЧИК)

2003 йил 1 январгача SMS хизмати бепул кўрсатилади.

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% кўшимча қиймат солиғи билан АҚШ доллариде кўрсатилган),
2002 йил 1 ноябрдан бошлаб амал қилади.

Хизмат кўрсатиш режалари	Абонент тўлови (АҚШ доллариде)	Кириш алоқаси баҳоси (АҚШ доллариде)	Чиқиш алоқаси баҳоси (АҚШ доллариде)
Эксплюазия	2,0	0,08	0,10
Престиж	125,0		Бепул

Илова:
«Ўздунробита» НК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ
ДАВОМ ЭТМОҚДА!



Нечаю кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").
«Ўздунробита» НК телефонларидан - 611. www.uzdunrobota.uz



ВАПААН

Эй кўзимнинг гавҳари — Ватан, Сен бўлмасанг офтоблар бекор...

Сен бўлмасанг осойиш бўлмас, Дарбадарлик олар домга...

Мухаббатга маконим ўзинг, Меҳр деган ҳисинг эшиги...

Эй кўзимнинг гавҳари — Ватан, Сен-ла ёруғ қоронгу дунё...

Назира ас-САЛОМ.

Қорақалпоқ халқининг «Алломиш», «Қирқиз», «Кўблон»...

Қорақалпоқ адабиётининг кўзгуси

Тиловбергера Жумамуратовнинг «Сулв Макарья», Ибройим Юсуповнинг «Актрисанинг қисмати»...

да эълон қилинган. «Амударё» қорақалпоқ адабиётининг ҳақиқий кўзгуси...

«Амударё» қорақалпоқ адабиётининг ҳақиқий кўзгуси бўлибгина қолмасдан, ўз мўъжизасига бошқа халқлар адабиётининг тарғиб қилиши ҳам катта хизмат кўрсатди...

Янгибой ҚҲҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲИКОЯТ

Донишманд аёл

Бир мўсафид кўча бўйлаб ҳаётга чўмганга кетар эди. Қараса, бир гуруҳ одамлар тобут кўтариб қабирстон томон кетаётган эмиш...

Камтарга камол

Мен эътиқода қўйган бир ойнажоб дўстим бор. Биз у билан олийгоҳни бирга битирганимиз. Зурко, фикр доираси кенг, кўп китоб ўқиди...

Қарс ukku қўлдан

Қайнона келин ит-мушук, ҳеч чиқриша олмайди. Қачон қараманг, уйда жанжал-тўполон. Ҳаммадан ҳам уйига қийин, онасининг ёнига олса, хотини хафа бўлади...

Масхуф ҚОРИЕВ.

Санъатга бахшида умр

— Ташкентдан Хивага хат келди: фотосуратингизни юборинг...

Масхуф келсангиз, таклиф этамиз. Павильонда синаб кўраимиз...




Шайхонтоҳур мадрасасидаги киностудия гавжум...



Шундай қилиб, Девонот тилга олган Т.Азизов билан учрашдик...



— Турғун ака, «Мафунингман» фильмида сизга «ракчи» бўлган Санъат ака ҳақида нималар дея оласиз?



— Икки бир-бирини «ракчи» бўлган шахслар родини ўйнаганимизку, аслида ҳаётда дўстимиз...

Ҳаётда ёқимтой, экранда салмилий...

— Ташкентдан Хивага хат келди: фотосуратингизни юборинг. Масхуф келсангиз, таклиф этамиз. Павильонда синаб кўраимиз...

Ошиқлар учун қўлланма

Хаётда нималар бўлмайди дейсиз? Бировлар ҳусусий қорхона очди...

Ана шунақаларни кўриб, илҳомландим, билмадим, шор Холис Хизматий ҳам ёш ошиқ-мояналарга беминнат хизмат кўрсатиш учун «Савоб» ҳусусий қорхонасини очди...

Ҳажвия

да бир нечта қизга шайри мактублардан учирма қилишингиз ҳам мумкин. Худди бахтли билетдай. Хатингизга жавоб келса, жек погта 180 миллион сўм ютган топшекте...

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сон 24 декабрь, сенанба куни чиқади.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬУТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ
(НАРА 4216, 2816)
ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРНИ таклиф этади.

ТАШКИЛОТ ВА ҚОРХОНАЛАР ДИКАТИГА
Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этши (тендер) бўйича республика бошқармасининг ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси жамоаси бошқари бошлиғи Рузмиёй Жуманазарова ўзи
Мансур ЖУМАНАЗАРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси жамоаси бошқари бошлиғи Рузмиёй Жуманазарова ўзи
Мансур ЖУМАНАЗАРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси жамоаси бошқари бошлиғи Рузмиёй Жуманазарова ўзи
Мансур ЖУМАНАЗАРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг капитал қурилиш бошқармаси жамоаси бошқари бошлиғи Рузмиёй Жуманазарова ўзи
Мансур ЖУМАНАЗАРОВНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.